



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 10 октябр, жума № 158 (1583)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТ ГРУЗИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

9 октябр кuni Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов давлат ташири билан Грузияга жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбари журналистлар учун интервью берди.

Грузияга маъруза ташири билан асосий мақсад ўзаро ҳамкорлигимизнинг бугунги аҳолига танқидий назар ташлаб, бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳамкорликда бартараф этишдан иборат, - деди Ислам Каримов, жумладан.

Ўзбекистон билан Грузия халқлари қадимдан дўстона муносабатда бўлиб, бир-бирини доим қўллаб-қувватлаб келган. Бинобарин, ана шундай ишончли ҳамкорликни келгусида ҳам ривожлантириш икки томон учун жуда муҳим.


Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқага келсак, очигини айтиш керак, унинг ҳозирги ҳолатидан икки томон ҳам қониқмайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-айрибошлаш ҳажми олтинчи миллион АҚШ доллари ташкил этар экан, бунини, шубҳасиз, мамлакатларимиз салоҳияти даражасида деб бўлмайди. Бинобарин, Тбилисидаги музокарада иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Иқтисодий ҳамкорликнинг нисбатан суст ривожланишига коммуникация муаммолари асосий сабаб бўлмоқда. Шу боис Европа Иттифоқи қўллаб-қувватлаётган ТРАСЕКА йўлагини барпо этиш лойиҳаси билан боғлиқ масалалар ҳам алоҳида муҳокама қилинади.

Ўзбекистон билан Грузия ўртасида шу кунгача 75 та ҳужжат имзоланган. Давлатимиз раҳбарининг Грузияга бу гапга таширида ҳам яна бир қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Саидмурод РАҲИМОВ, ЎЗА мухбири

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТБИЛИСИДАГИ УЧРАШУВИ



ТБИЛИСИ. 9 октябр. (ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Тбилиси аэро-

портида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовни Грузия раҳбари Эдуард Шеварднадзе кутиб олди.

Шу эрининг ўзида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Икки давлат мадхи-

ялари янграб, фахрий қоровул саф тортиди.

Қрианис ҳукумат қароргоҳида Ислам Каримовнинг Эдуард Шеварднадзе билан яқнама-яқна учрашуви бўлиб ўтди. Унда Президентлар икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга оид масалалар ҳамда халқаро муаммолар юзасидан алоҳида фикр алмашди.

Учрашувда Ўзбекистон-Грузия муносабатлари ҳар томонлама ривожлантириш бораётган бўлса-да, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги ҳаёли имкониятлар даражасида эмаслиги таъкидланди. Бунда коммуникация билан боғлиқ муаммолар ўз таъсирини ўтказмоқда. Шу боис икки мамлакат фаол иштирок этиб келаётган ТРАСЕКА лойиҳасини тезлаштиришга эътиборни янада кучайтириш даркор.

Сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистонда «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси ташаббусига кўра «Procter&Gamble» компанияси билан биргаликда Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари кўмағида урта кенг кўламли таълимий-соғломлаштириш дастури амалга оширилди. Бу тадбирлар аҳолининг санитария-гигиена билимларини оширишда шунчалик самарали бўлдики, ҳамкорликни 2008 йилгача давом эттиришга қарор қилинди.

Пойтахтдаги «Radisson SAS» меҳмонхонасида бўлиб ўтган учрашувда бу ҳақдаги тўрт томонлама шартнома имзоланди. Учрашувда «Соғлом авлод учун» жамғармаси фаоллари, шифокорлар, халқ таълими тизими ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви раиси С.Иномова йиғилганлари кўша таълимий-соғломлаштириш дастурларини жорий этиш туфайли эришилган натижалар ҳақида хабардор қилди. 1998 йилдаёқ улар Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан тасдиқланган, сўнгра «Соғлом авлод» ва «Она ва бола» давлат дастурларига киритилган эди. Утган даврда Ўзбекистон мактабларининг 400 минг нафар иккинчи синф ўқувчиси «Жозибали табассум» дастури бўйича оғиз бўшлиғи гигиенаси дарсларида қатнашди. 6-7 синфларда ўқийдиган 168 нафар қиз «Усмир ёши» дарсларида иштирок этди. 80 минг нафардан ортиқ аёл махсус ташкил этилган «Ёш оналар мактаби»да чақалоқларга қараш кўникмаларини эгаллади.

Усиб келаётган авлод саломатлиги тўғрисида ҳамқўрлик Ўзбекистонда давлат аҳамиятига эга, - деди шартномани имзолаш маросимида «Procter&Gamble» компаниясининг Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси бўйича бош менежери Энди Петерсон. - Бу соҳада биз «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан яқин ҳамкорлик қилиб келямиз. Чунки касалликнинг олдини олиш уларни доволашдан кўра яхшироқ. У саломатлиқни сақлаб қолиш ва болаларнинг тулақонли ривожланиши учун шароит яратиш имконини беради. Шу боис келгусида компания мавжуд қўша дастурларни, биринчи навбатда республика ҳудудларида жорий этиш ҳажминини кенгайтириш ҳамда янгиларини амалга ошира бошлашни мўлжалламоқда.

(ЎЗА)

ДАЛАДА КОНЦЕРТ

Вилоят маданият ишлари бошқармаси тизимидаги барча бадий жамоалар: «Наво» академик ансамбли, «Фарҳод», «Ширин» маданият саройи бадий жамоалари ўз концертлари билан дала меҳнатқашларига самарали маданий хизмат кўрсатмоқда. Айниқса, Навбахор тумани маданият уйи ҳузурдаги «Навбахор тароналари» ашула ва ракс ансамблининг дилрабо кўшиқлари пахтакор ва ҳашарчиларга манзур бўлмоқда.

Хатирчи тумани маданият бўлимининг «Чиннигул», Навой туманидаги «Гули», Қизилтепа туманидаги «Гулчира» ансамбллари, «Тарона» миллий эстрада гуруҳи, «Ер-ёр» фольклор этнографик жамоалари ҳам пахтакорлар билан бир сафда туриб, элимиз бойлиги - пахтани тез ва сифатли йиғиштириб олиш ишига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Хушxabарлар оқимидан

«МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» МАРКАЗИ

Жомбой туманидаги «Ҳақиқат» ширкат ҳўжалиги маркази «Наймантапа» қишлоғида «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилди.

Қаровсиз ётган чойхона қайта таъмирланиб, кишлоқ аҳолисининг маънавий дам олиш масканига айлантирилди. Бу ерда марказнинг маъмурий хонаси, 9 минг китоб фондига эга булган кутубхона, «Нурониюлар чойхонаси», ҳўжалик тарихий музейи ўрин олган.

КРЕДИТ ҲИСОБИДАН КОМПЬЮТЕРЛАР

Жиззах енгил саноат касб-хўнаар коллежининг Осиё тараққиёт банки кредит ҳисобидан 1 миллион долларлик ўқув жиҳозлари - компьютерлар, телевизорлар, видеопроекторлар, аудиовидеотехника воситалари келтирилиши мўлжалланган. Шу кунгача 136 миллион сўмлик химия, биология, физика, астрономия кабинетлари учун ўқув жиҳозлари, техника воситалари олиб келиб ўрнатилди.

ГУЗАРЛАР КўПАЙМОҚДА

Муствақилликнинг ўтган йиллари мобайнида Жиззах шаҳрида замонавий лойиҳалар асосида 19 та маҳалла гузарлари бунёд этилди. Яқинда шаҳар ҳўкимининг қарори билан «Наврўз», «Жиззахлик» маҳалла гузарлари учун бўш ётган бинолар ажратилди. Бу масканларда ҳашар йўли билан гузарлар ташкил этилиб, ишлаб чиқариш цехлари, кичик корхоналар қурилди.

СПОРТ АНЖОМЛАРИ НАМОЙИШИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 июлдаги болалар спортини тарғиб қилиш ва болалар учун спорт товарлари ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги 318 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. «Наврўз» супермаркети биносида спорт кийимлари, пойабзаллари ва анжомларини намойиш қилиш ва сотиш бўйича иختисослаштирилган кўргазма ташкил этиш учун алоҳида бўлим ажратилди. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига қарашли фабрика ва заводларда ишлаб чиқарилган спорт кийимлари ва анжомлари шу ерда ҳар ойда намойиш этилиб, сотилмоқда.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири

ОЛИЙ ҲАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИДА

Пойтахтимидаги Олий ҳарбий божхона институтида Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Божхоналар ҳамкорлиги қўмитасининг иккинчи учрашуви бўшланди.

Унда Ўзбекистон, Хитой, Қозғистон, Мўғулистон, Қирғизистон, Тожикистон божхоналари идоралари раҳбарлари ҳамда ОТБ вакиллари ва халқаро экспертлар иштирок этмоқда.

2002 йилнинг 20-21 августда Хитойнинг Урумчи шаҳрида Божхоналар ҳамкорлиги қўмитасининг биринчи учрашуви бўлиб ўтган эди. Унда ҳамкорликда амалга оширилиши мўлжалланган тадбирлар лойиҳаси ва божхона тизимидаги ислохотларни ҳаётга жорий қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилганди.

Божхоналар ҳамкорлиги қўмитасининг бу гапга иккинчи учрашувида эса божхона иши ва ҳўжатлаштириш тартибини соддалаштириш ҳамда бириктириш, чегаралардан ўтиш жиҳозларини бириктириш таъминлаштириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳа ва стратегияни ишлаб чиқиш, соҳага ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этишга оид масалаларни муҳокама қилиши мўлжалланган.

(ЎЗА)

Бўстон шаҳридаги биринчи кўпқаватли иморат

«Чўлқувар» қад ростлаганига атиги 26 йил бўлибди. Ана шу қисқа муддатда Бўстон обод ва кўркам шаҳарга айланди. Бугун бу ерда турли миллат вакилларидан иборат аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарда «Элтекс» тўқимачилик мажмуаси, «Эллик-Альа олтин толаси», «Эл-нур» хиссадорлик жамиятлари, «Медикал Коттон Интернейшнл» Ўзбекистон-Лихтенштейн, «Мершантес компани» Ўзбекистон-Австрия-Бангладеш, «Ювнер» масўулияти чекланган жамиятлари, кўнгина қурилши, саноат, транспорт, алоқа корхоналари, соғлиқни сақлаш, маданий-манший муассасалар, идора ва ташкилотлар фаолият кўрсатяпти.

Шаҳар йил сайин кенгайиб, аҳоли сони ўсиб бормоқда. Айни кунда унинг таркибида йўлчилик шаҳарчаси ҳам қад кўтарайтир. Шаҳарчада кўп қаватли 4 та турар-жой бинолари қурилиб, 6,5 километр узунликда ичимлик суви, 3,5 километр масофада табиий газ қувурлари ётқириши ишлари яқундаги арафасида.

Кум барханлари орасидаги яшил шаҳар туман маркази ҳисобланади. Шаҳардаги ижобий ўзгаришлар тўғрисида маълумотларга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Муствақиллик йилларида саноатнинг қишлоққа кириб келиши, кишлоқ ҳўжалигида тўб ислохотларнинг амалга оширилиши, хусусий секторнинг ривожланиши қишлоқ ҳаётининг тубдан ўзгартирди. Амма беш бармоқ тенг бўлмаганидек, туман аҳолиси орасида ўзига тўқ оилалар билан бирга кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли ҳам истиқомат қилляпти. Бунини ўз вақтида аниқлаш туман ҳўкимияти ҳар бир оиланинг яшаш шароитини пухта ўрганган ҳолда ҳаққоний ҳулоса чиқариб, ижтимоий

муҳофазага муҳтож аҳолини доимий равишда қўллаб-қувватлаш бош вазифалардан бири қилиб олди. Бу ишга тумандаги барча ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасалар, ширкат ҳўжаликлари, дехқон-фермер уюшмалари, овул ва ма-

халла фуқаролар йиғинлари, тадбиркорлар жалб қилинди. Биргина шу йилнинг саккиз ойида янгидан бунёд этилган давлат корхона ва ташкилотлари, хусусий корхона ва фермер ҳўжаликлари ҳисобида 2450 ишчи ўрни очилди.

Йилнинг биринчи ярмида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 194 фарм, туман ҳўкимиятининг квотаси бўйича 302 нафар, меҳнат бўлимига иш сўраб ариза билан муражаат қилган 1288 нафар фуқаро иш билан таъминланди, ҳақ тўланадиган вақтинчалик жамоат ишига 169 нафар фуқаро йўналтирилди. Иш билан таъминлашнинг имконияти бўлмаган 839 фуқарога 21 миллион 266 минг 998

Ижтимоий ҳимоя

сўм ишсизлик нафақаси берилди. Тумандаги корхона, ташкилот, муассаса ва тадбиркорлардан Республика «Бандлик» жамғармасига 20 миллион 500 минг сўм пул кўчирилди. Туман банки томонидан тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш учун 30 юридик шахсга 7,5 миллион сўм кредит берилди. 2 ёшга бола тарбиялаётган ишлайдиган 2596 нафар онага 201 миллион 343 минг сўм, 16 ёшгача фарзандлари бор бўлган кам даромадли 7445 та оилаларга тегишли миқдорда нафақа тарқатилди.

Уруш қатнашчилари ва ногиронлари, уларга тенглаштирилган фуқаролар, 1 гуруҳ ногиронларидан 59 нафар рога компенсация пул тўловлари тарқатилди. Туман Қизил Ярим Ой жамияти кўп болали, кам таъминланган оилалардан 12 тасига 42000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. 2003 йилнинг 8 ойида жамият томонидан АҚШнинг вилоят департаменти Қизил Ҳоч жамияти, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти миллий кенгашининг инсонпарварлик ёрдами - 75 тонналик озиқ-овқат махсуслотлари сил касаллигига қалинган беморларга тарқатилди.

Тиббиёт ходимлари туман аҳолисининг саломатлигини яхшилашга эътиборни кучайтирдилар. Ижтимоий муҳофазага муҳтож

Бўстон чиройи

фуқаронинг уйларида 50 фойз чегирма билан телефон ишлаб турибди.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан 164 қария ва ногиронларга 1 миллион 733 минг сўмлик озиқ-овқат махсуслотлари ҳамда саноат моллари, ҳўмийлик асосида 221 фуқарога 706310 сўмлик соғва-саломлар тарқатилди.

Республика Президентининг 212-сонли Фармони билан 57 нафар яқна-ёғиз қарияга 9 турдаги озиқ-овқат махсуслотлари, байрамларда ҳўмийлар томонидан 318 бундай фуқарога соғва-саломлар берилди.

Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига 2283 нафар фуқаро

Султон АВАЗОВ

Исход

ПАХТА ЎҒРИСИ

Ўзбек халқиде пахтани ўғрилаш азалдан оғир гуноҳ ҳисобланади. Бирок пахтани контрабанда йўли билан олиб ўтиб, осон пул топиш илинжида юрганлар ҳам топилади.

Сирдарё вилоятининг тўртта тумани Қозғистон Республикаси билан чегарадош. Икки юздан ортиқ пудратчи зевено ва фермер ҳўжалиги чегарадош участкаларда пахта етиштиради. Айрим виждонсиз кимсалар ана шундай қулай вазиятдан фойдаланган ҳолда осон йўл билан тезда бойиб кетишга интиломоқда.

Қозғистоннинг Сирдарё вилояти билан чегарадош Махтаорол туманида истиқомат қилувчи фуқаро А.Нуримбетов Ўзбекистондан 500 килограмм пахтани олиб чиқаётган пайда милиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Текширув чоғида у пахтани Оқолтин туманидаги «Пайшак» фермер ҳўжалиги хирмонидан олгани аниқланди. Сайхонобод туманидаги «Шўрўзақ» ширкат ҳўжалигида яшовчи Умида Бозитова укаси Ҳасанбой билан бировнинг даласидан сотиш учун териб олган 58 килограмм пахтани олиб кетишга интиломоқда. Сирдарё туманидаги «Малик» божхона пости яқинида «Малик» ҳўжалигида истиқомат қилувчи А.Орзиқулов бошчилигидаги тўққиз киши 800 килограммдан пахтани республикалараро чегарадан олиб ўтмоқчи бўлганда божхона ходимлари томонидан тўхтаб қолди.

ЎЗА мухбири Сирдарё вилояти прокурорининг қатта ёрданчиси У.Худойкулов билан бу ва бошқа ўғрилик ҳўжатлари юзасидан сўхбатлашди. Эндиликда вилоят прокуратураси ички ишлар бошқармаси ва божхона билан ҳамкорликда пахтани чегарадан ноқонуний олиб ўтишнинг олдини олиш бўйича махсус дастур ишлаб чиққан. Ҳўжаликлар ва кишлоқ аҳоли пунктларида тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Халқ бойлигини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик иштирокида назорат кучайтирилган.

(ЎЗА)

САНЪАТ КОЛЛЕЖИ ЗАМОНАВИЙ БИНОДА

Вилоят марказида Ботир Зокиров номидаги санъат касб-хўнаар коллежининг янги биноси қуриб битказилди. Ушбу ўқув даргоҳида ўн бир йўналиш бўйича таълим берилади. Маъруза иншоот тендер савдосида голиб чиққан «Камол-А» хусусий фирмаси қурувчилари томонидан бунёд этилди.

Коллежнинг 350 ўқувчига мўлжалланган янги биноси фан кабинетлари, мажлислар зали, ёғи театр, кутубхона, ошхона ва спорт мажмуини ўз ичига олган.

Зомин туманидаги Даштобод шаҳрида ҳам 350 ўринли транспорт касб-хўнаар коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизда хориж сармояси ва технологияси асосида барпо этилаётган қўша корхоналар сонини кўпайиб бормоқда. Натижада иқтисодий тизимиз юксалиб экспорт ҳажми тобора ортмоқда.

Асака туманидаги «Оби нон» очик турдаги хиссадорлик жамияти ҳам яқиниятлар билан 1999 йил Миллий банкдан 1 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдорини кредит олиб, Австриядан вафли ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технологияни келтириб ўрнатди. Табиийки, бундан жуда кўпчилик хурсанд бўлди. Бойси, 50 нафардан ортиқ кишини иш билан таъминлаш, бир кечта-кундузда 3 тонна махсуслот ишлаб чиқариш назарда тутилган эди. Самарадорлик юқори бўлса, келажакда бу ерда ишлаб чиқарилажак махсуслотларни қўшни давлатларга экспорт қилиш ҳам режалаштириб қўйилди.

Афсуски, барчаси сароб-

жада корхонада 13 миллион 691 минг сўмлик дебиторлик қарзлари юзага келди.

жамиятнинг танг аҳволдан олиб чиқиш, уни ривожлантириш учун хизмат қилган

КОРХОНА ИНҚИРОЗГА ЮЗ ТУТДИ...

Жамият инкирозга юз тутди боплади. Охири М.Юсупова ишдан кетди. Жамоага Н.Мамиров раҳбар қилиб сайланди. Янги раҳбар ҳам ишнинг нимадан бошлашни билмай боши қотди. Чунки олинган кредитни фойзи билан қайтариш корхона зиммасида тош бўлиб осилиб турар эди. Бу ҳам етмагандан, ишлаб чиқарилган махсуслотдан бирор сўм ҳам фойда қўрилмаган.

Уйлаб-уйлаб, Н.Мамиров ҳам банкдан 80 миллион сўм кредит олишга қарор қилди. Кошки эди, олинган қарз

бўлса! Афсуски, М.Юсупова олган 65 миллион сўм кредитни фойзи билан ёпиш учун сарфлагани, холос. Цехлар номигагина ишладан давом этди. Боз устига, корхона махсуслотлари харидорларда у қадар қизиқиб йилганда. Хомашининг қимматлиги боис, тайёр махсуслотнинг таннари ҳам бозордагидан ошиб кетди. Янги раҳбар ҳам зиммасига юклаган вазифани удалай олмаслиги аниқ бўлиб қолганда. Бу вақтга келиб корхонанинг дебиторлик қарзлари яна 17 миллион 605

Масала кўндаланг қўйилади

минг сўмга ортди. Шундай қилиб корхона тамомилан инкироз ботқоғига ботди. Боши берк қўнадан чиқиб кетишда Н.Мамиров ҳам юқоридаги раҳбар йўлини тутди. Ажаблანарлики шундаки, «Оби нон» очик турдаги хиссадорлик жамиятидан бўшаб, ҳеч бир ишни дўндириб қўймай-да, «Улкан-96» нон ишлаб чиқариш корхонасига раҳбарлик лавозимига қайтди.

Айни пайтда корхонанинг аҳолига ачинасан киши. Бу ерда атиги 300-400 дона қолипни нон, 150 дона обон, 150-200 килограмм вафли эса бюртма асосида ишлаб чиқарилмоқда. 30 нафардан ошик иш ўринлари йўқолиб, ишчилар мажбурий таътилга чиқариб юборилди. Ҳозирда 4 нафар ходим фаолият кўрсатяпти, холос. Корхонанинг иш ҳақидан 1

миллион 900 минг сўм, солиқдан эса 14 миллион сўм қарздорлиги мавжуд. Хомашё қўшни вилоятлардан келтирилявгани боис махсуслот таннари анчайин ошиб кетмоқда.

Миллий банкдан олинган кредитнинг тўлов муддати ҳам келди. Сўмда олинган қарзларини ҳам фойзи билан қайтариш лозим. Корхонада зўрма-зўраки ишлаб чиқарилявган махсуслотлардан тушаётган даромад (бундай деб аташга ҳам тил бормайди) турли солиқ, тўловлардан ортаятяпти.

Ажабо, бу ҳол қачонга қадар давом этади? Хар ҳолда қанчадан-қанча иш ўринлари бекор ётганига лоқайд қараб бўлмайди.

Давур ЖОЗИЛОВ, «Ишонч» мухбири

Республика Маданият ишлари вазирлиги ва Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорликда жаз мусика фестивали ўтказилди. Унда Ботир Зокиров номидаги Ўзбекистон давлат жаз симфоник оркестри ва Италиянинг Роберто Магрисс раҳбарлигидаги жаз квартети ижросида асарлар янгради.

ЖАЗ ФЕСТИВАЛИ

Ўтган асрнинг эллигинчи йилларидан буён Ўзбекистонда фаолият юритиб келатган Ботир Зокиров номидаги жаз симфоник оркестри билан бир қаторда фестивалда консерваторияда тахсил олаётган ёш истеъдод соҳиблари ҳам ўз санъатларини намойиш этишди. Ўзбек мухлислари Италиядан ташриф буюрган Роберто Магрисс жаз квар-

тетини катта қизиқиш билан тинглашди. Бу саксонинчи йиллардан буён Италия жазини ижро этиб келатган классик гуруҳлардан биридир. Сўнгги йилларда халқор эстрада сахнасига чиққан ансамбл раҳбари, пианиночи Роберто Магрисс дастурни

янги репертуарлар билан бойитди. —Бир ҳафта олдин Австралияда гастролда эдик, бугун эса Ўзбекистонда-миз,-деди Роберто Магрисс.- Бу илк ташрифи-

миз.—Гуруҳимиз уч кишидан ташкил топган. Мамлакатингизда жаз мусикасига яхши эътибор бериларкан, бундан жудаям мамнунмиз. Ўзбекистонлик жаз ижрочиларининг санъати ҳам бизга жуда манзур бўлди.

“Туркистон-пресс”

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Шу йилнинг ноябр ойида Ўзбекистон миллий терма жамоаси келаси йили Хитойда бўладиган футбол бўйича Осиё чемпионатида иштирок этиш учун саралаш беллашуларини бошлайди.

«А» гуруҳи - Ўзбекистон, Таиланд, Тожикистон ва Сянганнинг биринчи давра учрашувлари 6-10 ноябр кунлари Тошкентда ўтказилади. Иккинчи даврага Таиланд пойтахти - Бангкок мезбонлик қилади.

Тўрт йил аввал ўтган қитъа чемпионатида кўнгилдагидек натижага эришолмаган терма жамоамиз энди фақат юқори кўлаб, саралаш ёрғарликини жид-сидда олиб бора-нарли. Ўқув-малларига деярли нерлар жалб ўз навбатида аъзолари ўзин бирини яхши турмин бўлаётир.

Хусусан, бу мавсум Равшан Хайдаров бошчилигидаги терма жамоа Европа вакиллари - Беларус ҳамда Латвия билан учта ўртоқлик учрашуви ўтказди.

Гарчи Беларус билан Минскда 2:2, Тошкентда 1:2 ҳисоби қайд этилган бўлса-да, футболчиларимизнинг Латвия терма жамоасига қарши ўтказган учрашувидаги ўйини мухлиси мутахассисларда яхши таассурот қолдирди. Аниқ ва тезкор ўйин намойиш қилган футболчиларимиз А.Акопянц, А.Солиев ва А.Гейнрихнинг голлари эвазига латишлар устидан 3:0 ҳисобида галаба қозонилганди.

Бу гал футболчиларимиз Осиёнинг етакчи терма жамоаларидан бири - Бирлашган Араб Амириклари қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушади. Терма жамоа бош мураббийи Р.Хайдаров 11 октябр кунин Дубайда бўладиган ўйинга миллий чемпионатда тўп сураётган футболчиларимиздан ташқари, Россия, Украина ва Молдова клублари шарафини ҳимоя қилаётган легионерларни ҳам жалб қилди.

Жумладан, терма жамоамиз дарвозасини қўриқлаш учун учта дарвозабон - А.Поляков («Криля Советов»), Е.Сафонов («Шинник») ва И.Нестеров («Пахтакор») қаҳиртирилди.

Ҳимоя чизиги эса легионерлар - Б.Ашурматов («Торпедо-Металлург»), А.Хвосунов («Черноморск» Одесса), Н.Ширшов («Ростов»), С.Лушан («Криля Советов»)га топширилади. Уларга пахтакорчилардан А.Алиқулов ҳамда А.Николаев ёрдам беради.

Терма жамоа ярим ҳимояси, асосан, миллий чемпионат пешқадами - «Пахтакор» футболчилари - Л.Кожелов, А.Солиев, С.Желаров, Т.Копадзе, В.Кирияндан иборат. Лекин асосий таркибдан қолди олиш учун бу ёш пахтакорчилар тажрибали футболчи М.Қосимов («Спартак-Алания»), А.Акопянц («Ростов») ва В.Карпенко («Шинник») билан рақобатда ўзини кўрсатиши лозим.

Хужумчилар А.Гейнрих («ЦСКА»), В.Шиселев («Зимбру») ҳамда пахтакорчи З.Тоҳиевдан эса рақиб дарвозасини ишғол қилиш талаб этилади.

(ЎзА)



Мамлакатимизда «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика танловини ўтказиш яхши анъанага айланб қолди. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Ўзбекистон республикаси Президентининг «Истеъдод» жағмараси томонидан уюштирилган бу сафарги беллашувида ҳам талайгина муаллифлар голиблики кўлга киритдилар.

ЭНГ ЯХШИ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ

лар учун чет тилидан яратилган ўқув адабиётлари орасида мактабларнинг 5-синф «Француз тили» дарслиги биринчи ўринли мукофотга сазовор бўлди.

Олий ўқув юртлири учун чоп этилган «Немис тили» дарслиги соҳиринли учинчи ўрин билан тақдирланди.

Бундан ташқари, «Ўзбек ва чет эл болалар адабиёти» дарслиги, «Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси» ўқув қўлланмаси ҳам йилнинг энг яхши қўлланмалари деб топилди.

А.АЛИЕВ

ТОШКЕНТ ОПЕН КАШФИЁТЛАР ТУРНИРИ

Кашфиётлар турнири номини олган Халқаро аёллар теннис мусобақалари давом этмоқда. Хўш, бу йилги турнир қандай ташкиллаштирилган? Ундаги янгиликлар нималардан иборат? Биз бу саволлар билан мусобақалар супервайзери Наво Каватойига мурожаат этдик.

— Аввалло иштирокчи давлатлар географияси янада кенгайрилганини таъкидламоқчиман. Табиийки, спортчилар сони ҳам кўпайди. Об-хаво бироз қийинчиликлар тугдиргани боис дастлабки ўйинларни ёлқ кортларда давом эттирдик. Бахслар жуда мурасасиз ўтаётганидан келиб чиқиб айтишим мумкинки, WTA таснифида энг обрўли турнирлардан бири бўлган Тошкент опен кўлаб иқтидорларни кашф этиши шубҳасиз. Бу эса ўз навбатида уларга катта теннисда зафарли парвоз этишида катта имконият яратди.

Дарҳақиқат бахслар гоёт қизиқарли кечмоқда. Хамюртимиз Оқул Омонмуродова венгриялик Петро Мандула билан кортта чикди. Шунинг таъкидлаш жоизки, Оқулга бу сафарги куръа ташлашда унчаллик омад кулиб божмади. Чунки, венгриялик спортчи дунё теннис таснифида 41-ўринда бўлиб, турнирнинг энг номдор теннисчиси ҳисобланади. Шундай бўлса-да Оқул ўзини йўқотиб қўймади ва ўйин бошида

устун келди. Бирок, кейинги геймларини ютқазиб қўйди. Биринчи сет 6:4 ҳисобида Мандула фойдасига ҳал бўлди. Кейинги сет тайбреккача борди. Унда венгриялик ракетка устаси 7:6 ҳисобида галаба қозонди. Уйиндан сўнг венгриялик теннисчи галабага жуда катта куч сарф этганини эътироф қилиб, шундай деди:

— Сўнгги марта Омонмуродова билан уч йил олдин ўйнаган эдим. Бугунги ўйинга келсам, айниқса биринчи гейм жуда оғир кечди. Оқул жуда кучли тўп оширибди. Хатти-харакатлари ҳам шиддатли. Оқул келажаги порлок теннисчилардан биридир.

Шу кунини тушдан сўнг Омонмуродова яна кортта келди. Бу сафар у жуфтлик бахсларида шерири Ивана Исроилова билан белоруссиялик Д.Кустова ҳамда украиналик Е.Таркова ларга қарши ўйнади. Чарқоп панд берди чоги, юртдошларимиз имкониятни бой берди қўйди. Кейинги кунин Ивана Исроилова яқка-

лик бахсларида ҳам муваффақиятсизликка учради.Хитойлик Зенг Жига қарши ўйинни бой берди.

Кеча эрталабдан Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамда Ўзбекистон теннис Федерацияси турнир доирасида болалар теннис байрамини ўтказди. Байрам сайлгоҳ кўчасида ташкиллаштирилди. Бундан асосий мақсад болаларни теннисга ошно этишдан иборат. Шу кунин Тошкент шаҳрида теннис тўғрақларида шуғулланадиган беш миңдан зиёд болаларнинг аксарияти ушбу шоу-тадбирда иштирок этди.Дарвоқе, ушбу лойиҳа 1995 йилдан буён амалга ошириб келинмоқда. Авваллари мусобақалар ўтадиган кортларда уюштирилмайдиган тадбир бу сафар шаҳаримизнинг қоқ марказида ташкиллаштирилган билан диққатга сазовордир. Муҳим жиҳати шуки, турнирда иштирок этаётган ракетка устаслари бу ерда таширф буюриб, болажонлар билан теннис сир-


Теннис



ларини ўртоқлашдилар. Тадбир байрамга улашиб кетди. Иқтидорли болажонларга байрам ташкилотчилари томонидан совғалар тақдим этилди.

Шу кунин турнирнинг энг шов-шувли ўйини бўлиб ўтди. Турнирнинг биринчи рақамли теннисчиси венгриялик Петро Мандула испаниялик Арантха Паррага 7/5, 6/1 ҳисобида имкониятни бой берди. Хамюртимиз И.Исроиловани мағлуб этган хитойлик Зенг Жи япониялик С.Обатага қарши ўйинда 6/1,6/1 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ишонч» мухбири Зокир БАКИРОВ, олган суратлар



«Askiya universal bozori»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига

Хабар тартиб рақами 0.9

Умумий мажлис тури: акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси

Умумий мажлис ўтказилган вақт: 2003 йил 6 сентябр

Умумий мажлис ўтказилган манзил: жамиятнинг маъмурият биносида

Умумий мажлисда қатнашганлар сони: 6216 овозга эга 39 та акциядор

Кворум: 64,5 фоиз

Умумий мажлис кун тартиби асосида

берилган овозлар натижалари.

1.«Askiya universal bozori» очиқ акциядорлик жамиятининг фирмали номи «Askiya dehqon bozori» деб ўзгартирилиши 6216 овоз билан тасдиқланди.

2.Жамиятнинг янги номдаги муҳр ва штамп эскизлари 6216 овоз билан тасдиқланди.

3.Жамиятнинг низомига ўзгартиришлар киритилиши 6216 овоз билан тасдиқланди.

Кузатув Кенгаши

«OQ OLTIN-ES» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Акциядорларнинг 2003 йил 18 сентябрда ўтказилган навбатдан ташқари Умумий Йиғилишининг муҳим фактлари тўғрисидаги ахборотнома.

Маълумотлар тартиб рақами-07
1.Кузатув Кенгашининг қарори билан рўйхатнинг ёпилиш санаси 2003 йил 19 август қилиб белгиланди

Маълумотлар тартиб рақами-09
2.Акциядорлик жамиятининг тўлиқ номи--OQ OLTIN-ES» очиқ акциядорлик жамияти.

Манзил--Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, Навоий савдо рас-тасидаги «Узсаламан» магазини.

Умумий йиғилиш тури--навбатдан ташқари.

Умумий йиғилиш ўтказилиш шакли--овоз бериш бюллетенлари орқали.

Умумий йиғилиш манзил--Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, Навоий савдо рас-тасидаги «Узсаламан» магазини (маж-лислар залда).

Умумий йиғилиш кворуми--13135 дона овоз (91 фоиз)

Кун тартибдаги масалалар, берилган овозлар сони ва қабул қилинган қарорлар

1.Ташкил этилган маъсулият чекланган жамиятга «OQ OLTIN-ES» номи берилсин.

Розиман - 13135 дона--100 фоиз

Қарши - йўқ

Бетараф - йўқ

2.Ўтказиш далолатномаси тасдиқлансин.

Розиман - 13135 дона--100 фоиз

Қарши - йўқ

Бетараф - йўқ

3.Устав капиталининг ҳажми, тартиби ва қисмларини тақсим-лаш тасдиқлансин.

Розиман - 13135 дона--100 фоиз

Қарши - йўқ

Бетараф - йўқ

4.МЧЖ Устави тасдиқлансин.

Розиман - 13135 дона--100 фоиз

Қарши - йўқ

Бетараф - йўқ

5.Таъсис шартномаси тасдиқлансин.

Розиман - 13135 дона--100 фоиз

Қарши - йўқ

Бетараф - йўқ

6.«OQ OLTIN-ES» МЧЖнинг директори лавозимига Х.Х.Инаго-мов номзоди тасдиқлансин.

Розиман - 13135 дона--100 фоиз

Қарши - йўқ

Бетараф - йўқ

7.«OQ OLTIN-ES» МЧЖнинг Кузатув Кенгаш аъзоллигига 3 ки-шидан иборат қўйдаги номзодлар сайлансин:

1.М.М.Файзулов

2.Б.М.Самков

3.Д.Б.Вакилов

Розиман - 13135 дона--100 фоиз

Қарши - йўқ

Бетараф - йўқ

8.«OQ OLTIN-ES» МЧЖнинг Тафтиш комиссияси аъзоллигига 3 ки-шидан иборат қўйдаги номзодлар сайлансин:

1.А.К.Вахобов

2.Р.М.Жўраев

3.А.А.Абдуразақов

Розиман - 13135 дона--100 фоиз

Қарши - йўқ

Бетараф - йўқ

9.Ички низоомлар тасдиқлансин

- Кузатув Кенгаш тўғрисидаги

- Тафтиш комиссияси тўғрисидаги

- Жамиятнинг Бошқарув органи тўғрисидаги

Розиман - 13135 дона--100 фоиз

Қарши - йўқ

Бетараф - йўқ

Кузатув Кенгаши

Назира тоғ тепасида жойлашган сикхатгоҳа қирақаш машинада етиб келди. Навбатчи, қоши ва кўзлари бўлган аёл Назиранинг йўлланмасини қайди қилган, - тушликка кечикмай чикинг, бир соат қолди, - деб эслабди қўйди.

Назирага мухташам бинонинг тўртинчи қаватидан хона тегди. Ювинчи ўзига оро бер-ган, наста тушиб ошхонага кирди. Хизматчи қизлар унинг қўлидаги қорғоз билан танишиб чикқач, ошхона ўртасидаги тўрт ўринли столга олиб борди. Столда озода кийинган ёқимтойгина киши ва қирқ-қирқ беш ёшли жувон ўти-рарди.

- Кечирасизлар, танишинг, Назира Нурматова, бундан кейин бирга оевкатланасизлар, ёқимли иштаҳа тилайман, - деди ошхона навбатчиси. На-зира уларга салом берди-ю, аёлга қўзи тушган, қувонгани-дан «Йо, сизми» деб юборди. Аёл ҳам уни таниди, сав-пачи ўриндан туриб: - Соғ-омон бормисиз, дугон, - деганича Назирани маҳкам кучоқлаб олди, кейин:

- Гулом ака билан тани-шинг, почангиз бўладилар, - деди.

- Сиз хакингизда Рўза кўп гапирасиз, танишган-нимдан хурсандман, марх-

амат, ўтиринг.

Тақаллүф Назирага ўз ўлми-шини ёдига солди.

Ушанда Назира ўрта мактаб-нин андигина тамолаб, жамоа ҳўжалигида ёшлар етакчили-ка деб ишларди. Бир кун уни туманга қаҳириб, Тошкентга бо-риб раҳбар ходимлар малака-сини ошириш курсига бориб ўқиб келасиз, дейишди. Унинг дадаси урушда вафот этган, ой-иси билан ёлғиз яшарди. Шу-нинг учунни ойиси қаршилиқ қилди. Лекин раис аралашган йўқ дөөлмади. Назира меҳмон-хонанинг икки кишилик хонаси-да, ғиждувонлик Рўза исмли қиз билан яшай бошлади. Рўза ол-пок, думалок юзли, истараси ис-сиққина қиз эди. Уларга қўшни хонада самарқандлик икки йил-гит яшаашар, айниқса, Анвар де-гани тиниб-тинмас эди. У йил-гит уларнинг хонасига гоҳ гу-гурт, гоҳ пиёла сўраб, нималар-хонанинг бахона қилиб тез-тез ки-риб турарди. Бир кун оқшом-да хамхонаси Олимжон билан келиб анча вақтгача сўхбатла-шиб ўтирди.

Эртасига улар биргалашиб концертга боришадиган бўлиш-ди.

Тўртовлон шу кундан бошлаб кечки оевкатдан кейин шаҳар ай-ланадиган одат чикаришди.

Лекин бу хол узоққа чўзил-мади. Бир кунин кинотеатрдан

чиқкишгач, шу атрофдаги хиё-бонда сайр қилишмоқчи бўлиш-ди. Анвар Рўзани ажратиб, хил-ваддаги ўриндиқка бошламоқ-чи эди, қиз қўлини. Икковлон тортишиб қолди. Назиранин буйин оғдириб Олимжон учун кийинчилик тугдирмади.

Назира ярим тунда сайрдан қайтиб келганида Рўза ухламас-дан уни кутиб ўтирарди:

ҲАРСАНГ

— Дугона сизга бир гапни айтиб қўй, ўзи-нига эҳтиёт бўлинг, бачаларга ишониб бўлмайди. Догда кол-манг, таъин! Ҳар ҳолда турли те-пада ўтланганасизлар.

— Нима, улар буримиди, биз-ни еб қўйса.

Назиранинг қалби эхтирос-ларга тўла, панд-насиҳат унга ортиқча эди.

Рўза Анварни ўз ёнига йўлат-май қўйди. Олимжон билан На-зира эса марзувалар тугач, қаёқларгадир гойиб бўлиб, тўн яримда ётоққа қайтиб келишар-ди. Икки ойлик курс «хаш-паш» дегунча поёнига етди. Лекин ош-ик-масуқлар ўқидан кейин ҳам бир ҳафтагача қолиб кетиш-

ди... Тўшдан кейин Гулом ака хо-тинининг тақлифи билан Нази-рага меҳмоннавозлик кўрсатиш учун бозорга йўл олди. Иккала дугона сикхатгоҳ боғининг энг чеккасига бориб ўтиришди. Шу ердан бошига оппоқ салла ўрал-гандек тоғ чўққиси кўзга ташла-нар, унинг ён бағрида қўй-қўзи-

сикхатингизни олмақларининг жазоси бу. Хароб бўлгур, бахтимиз қора тикди. Ушан-да хомилдор бўлиб қолган эканман. Совчи юбораман деб, ном-нишонсиз йўқолди, ер ютгир! Берган манзил бўйича излаб, бордим. То-полмадим, Алдамган экан, аферист! Хомламини олди-риб, уйга қайтдим. Бошида эрқаги йўқ жувон, мевасиз дарахтдек гап. Саратоннинг иссиғида келатган йўловчи, дарахт соясида бир дам хузурулиб, уни теварак-атро-фига писта пўчоқларини ташлаб ифрослаб кетгани-дек, менинг инсонийлик шазним дугона бошланди.

Рўза дугонасининг ичига ботган олхўридек қора, кат-та чарос кўзларига тикли-ди, нам кўзинмасди. Аммо унинг юрак-бағри йилғарди.

—Уша пайтлари учна би-линмасди, -сўзида давом этди Назира. -Фақат хузар-халоват-ни уйландиган бўлиб қолган-дим. Ойим тақдирин учун қисина-қисина ҳаётдан кўз юмиб кетди. Қанча йиллар турли лавозимларда ишлаган одам бугун хастахолман, юра-гининг мазаси йўқ. Мана ўн йилдирик, хайотдек уйда ёл-ғиз яшайман. Ёлғизликни душ-манимга ҳам раво кўрмасдим. Кўпинча қўшиларикида ўти-

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон қасаба
оқшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар булими 56-85-43; Реклама ва эълонлар булими